

**U.XODJAMQULOV, I.ABDIRIMOVA,
SH.BOTIROVA**

ADABIYOTSHUNOSLIKKA KIRISH



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎҚТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

У.ХОДЖАМКУЛОВ, И.АБДИРИМОВА, Ш.БОТИРОВА

АДАБИЁТШУНОСЛИККА КИРИШ

педагогик олий таълим муассасалари ўзбек тили ва адабиёти таълим
йўналиши профессор-ўқитувчилари, таълиқотчилар, магистрлар
на талабалар учун ўқув кўпланма

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI O'LY TA'LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
АХБОРОТ RESURS MARKAZI

Тошкент – 2022

Yangi chirchiq book - 2022

УДК: 821.0
КБК: 83
Х-69

Ходжамкулов У., Абдиримова И. Адабиётшуносликка кириш.
Ўқув кўланма. – Тошкент: Yangi shehriq book, 2022. 140 б.

Мазкур ўқув кўланмада адабиётшуносликка оид мавжуд таъкикотлар асосида сўз санъати аҳамияти, баъдий асар хусусиятлари, унинг таркибий қисмлари, адабий тур ва жанрлар хусусида мулоҳаза юритилган.

Ўқув кўланма олий ўқув қорғарининг филология, ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналишлари талабалари, магистр ва докторантлар, шунингдек, адабиётта қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Таъризчилар:

С.Матчонов – Тошкент вилояти Ўирчиқ давлат педагогика институти профессори, педагогика фанлари доктори

Б.Р.Менглиев – Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори

Масъул муҳаррир:

М.С.Таджибаев - Тошкент вилояти Ўирчиқ давлат педагогика институти доценти, филология фанлари номзоди.

ISBN 978-9943-9513-4-1

Мундарижа

Кириш	4
Адабиётшунослик фан сифатида	7
Баддий адабиётнинг икки ёқлама моҳияти	14
Баддий образ ва образлилик. Баддий образ спестификаси	18
Баддий асар тушунчаси. Баддий асарда шакл ва мазмун	26
Баддий асар сюжети. Конфликт. Композиция	34
Баддий асар тили	47
Баддий тасвир ва ифода воситалари	53
Баддий санъат ва муштовз кофия	61
Шеърний нутик хақида	73
Шеър тизимлари. Друз шеър тизими. Бармок шеър тизими	80
Адабий тур ва жанрлар. Эпик тур ва унинг жанрлари. Лирик тур ва унинг жанрлари. Драмматик тур ва унинг жанрлари	93
Баддий асар тахлили	115
Баддий метод	119
Баддий услуб	135
Сўнг сўз ўрнида	138
Феодализмнинг адабиётлар	139

КИРИШ

Инсоният азал-азалдан борлик ҳодисаларини билиш, ўзи яшаётган муҳитни ўзгариштиришга интилади. Бу интилиш замирида муқамалликка эришиш истиаги туради. Қоинот султонини саналган инсон қомилликка эришиш учун муттасил йўл излайди. Санъат, адабиёт, илм-фан ҳам аслида кишиларнинг қомилликка интилиш йўлларилир. Улар одамларнинг қалб қуввати ва ақл-тафаккури қудратини намоён этадиган ўзига хос майдон саналади. Санъат, адабиёт, илм-фан бир-бири билан мустаккам боғлиқ ҳодисалар. Улар орасида жиқдий фарқ-тафовут бўлса-да, санъат илм-фанини ёки илм-фан санъатини буткул инкор қилмайди. Аксинча, улар бир-бири билан узвий боғланган ҳолда, инсоннинг қомиллаштиришга хизмат қилади.

Инсоннинг қомиллаштиришга, унинг ўзинини англашга тавсир кўрсатадиган воситалар орасида адабиёт алоҳида ажралиб туради. Чунки адабиёт инсоннинг қалб қуввати ва ақл-тафаккури ривожини ўзига хос тарзда муҷассамлаштиради. Унда қалб ҳиссиёти, туйғуларни, ақлнинг мантиқини мушоҳада, мулоҳазалари ажойиб тарзда уйғулашган бўлади. Адабиёт асарларида кишиларнинг ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари образлар орқали аксланади. Ҳис-туйғулар қалбга хос кечинмалар саналса, фикр-мулоҳада эса мия мулки бўлган онг-ақлнинг маҳсулидир.

“Адабиёт” арабча сўз бўлиб, у “одоб” (қўллик шакли “адаб”) сўзидан олинган. Одоб-ахлоқ эса инсонни муқаррам этувчи, уни барча мавжудотлардан улуғвор қилувчи ҳодисадир. Одоб-ахлоқ инсонни барча мавжудотлардан устун қилувчи ҳодисатгина бўлиб қолмасдан, у кишиларни бир-бирга яқинлаштирувчи, дунёнинг осойишталиги, тинчлигини таъминловчи, одамларнинг ақл-тафаккурини равшан этувчи таянч омил ҳамдир. Шу боис, асоси “одоб”, “адаб” бўлган адабиётга азал-азалдан жамият маънавиятининг пойдевори сифатида қаралган.

Дарҳақиқат, адабиёт турли халқлар тилида турлича аталади. Чунки, “литература”, “словесность”, “wordkunst” сўзлари Европа халқлари орасида кенг қўлланади. Ҳозир шериёт маъносида қўлланадиган “поэтика”, “поэзия” сўзлари ҳам авваллари “адабиёт” маъносида ишлатилган. Аристотель (эраминдан аввалги 384-322 йиллар) “Поэтика” номли асар ёзиб, адабиёт ва унинг хусусиятлари хусусида мулоҳаза билидирган. В.Белинский (1811-1848) адабий тур ва жанрларни таърифлаб, таҳлил қилганида “литература” сўзи ўрнида “поэзия” сўзини қўллаган. Бироқ “адабиёт” истилоҳи муқобили сифатида қандай сўз қўлланмасин, шуниси аниқки, бу сўз барча замонларда ҳамма халқлар ҳаётида алоҳида ўрин тутган. Хусусан, турли соҳаларга тааллуқли барча манабалар “адабиёт” деб нортиилган.

Негониш, техника қабл тармоқларга онд жамияти китоблар, мақолалар, унинг, ёзма манабалар “иқтисодий адабиёт”, “техника адабиёти”, “сиёсий адабиёт” ва ҳокказо деб нортиилган.

Адабиёт азал-азалдан кишилар турмушида жуда кенг қўлланган бўлишига қарамасдан, унинг моҳиятини тўла-тўқис ифода қиладиган ягона сўз топилмаганини жуда қизик. Масалан, “литература” сўзи адабиётнинг ёзма ҳусусиятини ифода қиладди. “Литература” — “ёзилган, боқилиб чиққан, чоп этилган ёзув маҳсулотлари”. Чунки лотинча “littera”дан ҳосил бўлган бу сўз “харф”, деган маънони билидирди. Бироқ, адабиётнинг ёзма шакли билан бирга, унинг оғзаки шакли ҳам мавжуд. Қолаверса, фольклор, яъни халқ ораси адабиёти ёзма адабиётдан аввал пайдо бўлган. У ёзма адабиётнинг маълумоти қилишига асос, пойдевор сифатида кишилик жамияти тафаккури тарқати, ҳаёлот ва дунёқараш ривожини ўзига акс эттирган. Шу боис, “Адабиётнинг ёзма ва оғзаки хусусиятини инглиз тилида қўлланадиган “литература” терминидан кўра немисча “wordkunst” ёки русча “словесность” сўзлари ўзида аниқроқ муҷассамлаштиради”, деб ёзди АҚШлик адабиётшунослар Р.Уэллик ва О.Уоррен. (Уэллик Р., Уоррен О. Теория литературы. -Москва: Прогресс, 1978.-С.39.)

Адабиётнинг табиати, вазифалари хусусида барча даврларда жуда кўпгина асарлар ёзилган. Жумладан, шўро сиёсати ҳукм сурган даврда ҳам рус, ўзбек ва бошқа халқлар олимлари томонидан адабиёт ҳақида қатор таъқиқотлар яратилган. Уларда адабиётнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, ривож, жанрлари табиати, адабиётдаги анъанавийлик ва янгиланиш жараёнлари хусусида мулоҳазалар илгари сурилган. Бироқ, шўро даврида чоп этилган асарият китоб ва мақолаларда адабиётнинг синфийлигини таъкидлашга, унинг шу хусусиятини бўрттириброк кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан мақсад — адабиётни ҳукмрон мафкура қояларини тартиб этувчи таянч воситалардан бирига айлантириш бўлган. Аслида ҳам адабиёт шўро ҳукмронлиги даврида мустабид ҳокимият сиёсатини тарғиб-таъқиқ этувчи энг асосий говий қуроли вазифасини ўтаган. Шу боис, бу даврда адабиётга, адабиёт тўғрисидаги илмга алоҳида эътибор берилган. Эпиграф этиш лозимки, XX асрда ўзбек адабиётшунослиги сон жиҳатидан яқини қўрилмаган натижага эришди. Ўтган ҳеч бир даврда шўро ҳукмронлиги йилларидаги адабиётшуносликка доир қўл тадқиқотлар оғиб қорилмаган. Албатта, уларнинг илмий-маърифий савияси турлича. Бироқ, Фитратнинг “Адабиёт қондалари”, “Аруз ҳақида”, И.Султоновнинг “Адабиёт назарияси”, Ўзбекистон ФА Анишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтини ҳодимлари томонидан яратилган икки жиллик “Адабиёт назарияси”, икки жиллик “Адабий турлар ва жанрлар” сингари

таджикотлар адабиёт тўғрисида муайян тасаввур уйғотиши билан салмоқли аҳамият касб этади. Уларда дунё илм-фанида адабиёт ҳақидаги ҳулоса, натижалар мужассамлашган. XX асрда адабиётшунослик тарихи, унинг ҳусусият ва вазифалари тўғрисида ўнлаб китоблар, дарслик, кўпланмалар ёзилди. Университет, педагогика институтлари филолог талабаларига асосий мутахассислик фанларидан бири сифатида ўқитиб келинган адабиётшунослик ва унинг таркибий қисмлари ҳисобланган адабиёт тарихи, адабий танқид, адабиёт назарияси, матншуносликка доир кўплаб китоблар, мақолалар эълон қилинди. Уларнинг барчаси муайян илмий-назарий қимматга эга бўлиб, сўз санъатининг инсон ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақидаги тушунча, тасаввуларни теранлаштиришга хизмат қилди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК ФАН СИФАТИДА

Режа:

1. Адабиётшунослик фанининг тарихан ўрғанилиши.
2. Адабиётшунослик фанининг предмети
3. Фанининг таркибий қисмлари.
4. Фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

Таянч сўз ва тушуночалар

Адабиётшунослик, сўз санъати, ақл ва тафаккур, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тасаввурилар, қадб гузаллиқи, адабий-тарихий жараён, адабий-бодий асослар, илм-фан, адабиёт тарихи, адабий танқид, адабиёт назарияси, матншунослик, адабиётшуносликнинг предмети, адабиётшуносликнинг вазифалари, адабиётшуносликнинг мақсади.

Инсон ўзини англаш учун борлиқни, ўз теварак-атрофидаги воқеа-ҳодисаларни билишга интилади. У ўз характерини "Бу нима?" деган савол билан бошлайди, унга жавоб топишга ҳаракат қилади. Моддий ҳодисаларга инебётини "нима?" деган саволни қўйлаш, бунга қаноатлантирадиган жавоб топиш жараёни бирмунча осонроқ кечади. Чунки моддий нарсалар-буюмларни кўри билан ушласа, кўз билан кўрса, салмоқини чамаласа бўлади. Уларни бўлибланиш, парчалаш, ички оламни аниқлаш, қандай ўнсурлардан таркиб топилини билиш ва бутлаш мумкин. Шунинг учун моддий нарсалар ҳақида аниқ, ишончли ҳулосалар чиқариш имкони бир қалар кенг бўлади. Бирок, номоддий ҳодисаларнинг нима эканлигини аниқлаш, билиш, уларнинг моҳиятини тушуниш мушкул. Масалан, барча даврларда қаламдан ақолининг барча табақалари бирдай ёзиш-чизиш воситаси сифатида фойдаланилган. Ҳудди нон, сув каби аҳамият касб этган дин, санъат, адабиёт сингари номоддий ҳодисалар улар ҳаётида турлича роль ўйнаган. Улар одамларни ҳар хил даражада манфатлантирган. Аниқроғи, улардан кишилар ўз ақл-тафаккури, маданий-маърифий савияси имкон берган даражада фойдаланилган. Ҳамма замонларда ҳам адабиёт барчанинг туйғуларини тиништирибдиган, уларнинг қалбига инсонпарварлик ҳисларини сингдирдиган, одамлар орасида меҳр-оқибатни улғайтирадиган, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тасаввуларни ёрқинлаштиришга кўмаклашадиган маданий-маърифий таянч бўлган. Инсон ҳаётида ана шундай тавсирчан нуқта эта адабиёт ҳақида қаламдан "Бу нима ўзи?" деб ўйлаб келинган. Эҳтимол, адабиётнинг ягона қуроли бўлган Сўз ҳақидаги фикр-мулоҳазалар инсоният тарихида илм-фан шаклланишига дастлабки асос бўлгандир.